

Кейинги ўринларда "Бош пудратчи" деб юритиладиган Фаргона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи директор А.Зиқрияев бир томондан ва кейинги ўринларда "Ёрдамчи пудратчи" деб юритиладиган "Қўрғон Сифат" МСҶ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Ж.Жумаев иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПП-4565-сонли қарорига асосан Фаргона шаҳар Бешбола МФЙ Бешбола кучасини жорий таъмирлаш ва асфальтлаштириш ишларини (кейинчалик-объект) бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект реконструкция қилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Бош пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган, кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда реконструкция қилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Бош пудратчи эса Ёрдамчи пудратчига реконструкция қилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича объектда Ёрдамчи пудратчи 243 976 677 (Икки юз қирқ уч миллион тўққиз юз етмиш олти минг олти юз етмиш етти) сўмлик ишларини бажаради.

IV. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6. Ёрдамчи пудратчи объектда белгиланган иш ҳажмларидан жорий йилда фақат шартномада кўрсатилган иш ҳажмларини (иш турлари) амалга оширади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7. Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига 30% аванс маблагини ўтказиши.

8. Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчи ҳар ойда бажарилган реконструкция қилиш ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура" билан расмийлаштиради. Бош пудратчи томонидан тўловлар ва ҳисоб-китоблар шартномага асосан фақат Ёрдамчи пудратчининг ваколатли банкидаги махсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

9. Бажарилган реконструкция қилиш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажарилган ишлар миқдоридан фойза ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қийматининг 95 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

10. Бажарилган ишлар қийматидан 5(беш)% кафолат маблағи ушлаб қолинади. Ушлаб қолинган кафолат маблағини "Бош пудратчи" ҳисоб рақамига "Буюртмачи" томонидан молиялаштирилгандан сўнг "Ёрдамчи пудратчи" билан тўлиқ ҳисоб китоб қилинади. Шу билан бирга «Ёрдамчи пудратчи» Ушбу объектда бажарилган ишлар қийматидан «Бош Пудратчи»га 2 (икки) фойза миқдорда «бош пудратчи хизматлари» учун тўловни амалга оширади.

VI. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартнома бўйича Ёрдамчи пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- реконструкция ишлари бошланишдан олдин объектда реконструкция ишларини олиб бориш даври учун, Бош пудратчи иштирокида реконструкция қилинаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл қисмида йўл ва йўл иншоотлари элементларини сақлаш ишларини амалга оширади ҳамда автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлайди;

- объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштиради ва Бош пудратчига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этади;

- объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга оширади;

- зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси ва ишлатилган машина - механизмлар нарҳига ваколатли идора(ташкилот, орган)нинг экспертиза хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажаради ҳамда ишни Бош пудратчига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

- объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

- зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета вақтинчалик иншоотлар қуради;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарактларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур талбирлар бажарилишини таъминлайди;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

- қурилиш майдони қўриқлинишини таъминлайди;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

12. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи Ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Бош пудратчи олдида тўлик мулкый жавоб беради. Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади.

13. Ёрдамчи пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига Ёрдамчи пудратчи тўлик жавобгар бўлади.

14. Мазкур объект "Бош пудратчи" томонидан фойдаланишга топширилгунга қадар ушбу объектда содир бўладиган барча носозлик ва камчиликларни бартараф этиш ишлари "Ёрдамчи пудратчи" зиммасида бўлади. Кейинчалик мазкур объект юзасидан назорат тафтиш инспекциялари томонидан ўтказиладиган ҳар қандай текшириш натижалари бўйича жавобгарлик ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш "Ёрдамчи пудратчи" зиммасига юклатилади.

VII. БОШ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

15. Мазкур шартномани бажариш учун Бош пудратчи:

-Ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиши сифати назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ёрдамчи пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Ёрдамчи пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-Ёрдамчи пудратчининг барча муурожаатларини бир ой муддат ичида қўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши мумкин;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомда Ёрдамчи пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларни рўйхатини тақдим этиш.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

16. Бош пудратчи қурилиш майдонида ўз вақилини –қурлиш бўлим бошлиғини тайинлайди, у Бош пудратчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан доимий назоратни амалга оширади, шунингдек Ёрдамчи пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг лойиҳа смета ҳужжатларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Қурилиш бўлим бошлиғи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Ёрдамчи пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-ҳаражатларни Бош пудратчи томонидан мазкур объект учун бириктирилган қурилиш бўлим бошлиғи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнанинг охиригача объектнинг ўзида қўриб чиқади ва тўлик маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнанинг биринчи кунига қадар "Бош пудратчи"га топширади.

19. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларида бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

20. Ёрдамчи пудратчи объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Ёрдамчи пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини йўл қурилиши сифатини назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Ёрдамчи пудратчи қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлайди.

23. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Ёрдамчи пудратчи амалга оширади.

24. Ёрдамчи пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

25. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

26. Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Бош пудратчининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда Бош пудратчининг талаби бўйича Ёрдамчи пудратчи унинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан расмийлаштирилади.

29. Агар Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбур.

30. Ёрдамчи пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларнинг озодлигини таъминлайди ҳамда автотранспорт воситаларининг ҳавфсиз ҳаракатини таъминлайди.

31. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ёрдамчи пудратчи реконструкция ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, қуллик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

32. Агар Бош пудратчи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ёрдамчи пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади.

33. Ёрдамчи пудратчи дафтарда Бош пудратчи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

34. Ёрдамчи пудратчи ишлар бошланишидан реконструкция қилиш тугаллангунгача ва реконструкция қилиш тугалланган объект Бош пудратчи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

35. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

36. Ёрдамчи пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Ёрдамчи пудратчидан зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

37. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

38. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

39. Агар томонлар икки ой ичиде келишса олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

40. Реконструкция қилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек реконструкция қилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

XII. КАФОЛАТЛАР

41. Ёрдамчи пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

42. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар реконструкция қилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

43. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

44. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ёрдамчи пудратчи ва Бош пудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

45. Ёрдамчи пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиши ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Фарғона туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

46. Томонлар ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

47. Реконструкция қилиш ишларини олиб бораётган Ёрдамчи пудратчи қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Бош пудратчи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

-Бош пудратчи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

-объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

-реконструкция қилиш жараёнида ёки оралик қабул қилишда Ёрдамчи пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

-шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармагани.

48. Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекинши ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Ёрдамчи пудратчи ўз ҳисобидан бартараф этади.

49. Шартномада белгиланган мажбуриятларни бузганлиги учун Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Бош пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

50. Ёрдамчи пудратчи томонидан Объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Ёрдамчи пудратчи Бош пудратчига муддати ўтказиб қўйилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

51. Ёрдамчи пудратчи бажариш графигида 2020 йил ҳар чораги учун белгиланган иш ҳажми (иш турлари) қийматининг шу чорак учун белгиланган иш ҳажмининг бажармаган қисмидан Бош пудратчига 2 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

52. Муддат ўтказиб қўйилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ва жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

53. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

54. Музокара натижасида қилинувга келинмаган тақдирда низолар Фарғона туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

55. Бош пудратчи:

-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Бош пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ёрдамчи пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-Ёрдамчи пудратчи томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Ёрдамчи пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши Ёрдамчи пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бош пудратчи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-Бош пудратчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

57. Шартнома бекор қилинганда Бош пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 1 ой муддатда Бош пудратчига берилади, Бош пудратчи бажарилган ишлар қийматини Ёрдамчи пудратчига тўлайди.

58. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

60. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
61. Ёрдамчи пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Бош пудратчининг ёзма рухсатисиз, Ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
62. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
63. Бош пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
64. Ёрдамчи пудратчи объектда қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш давомида Бош пудратчига ва бошқа турдош Ёрдамчи пудратчига ҳалал бермаслиги лозим.
65. Ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш даврида лойихадан оғишлар учраган тақдирда, лойиха бош муаллифи ва Бош пудратчи билан келшилган ҳолда жойига мослаб қурилиш ишларини бажарилиши лозим.
66. Агар Ёрдамчи пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Бош пудратчи Ёрдамчи пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
67. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
68. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
69. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.
70. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва “31” декабр 2022 йилга қадар амалда бўлади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БОШ ПУДРАТЧИ

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш УК

Манзил: Фарғона шаҳар, Мустақиллик №350-г уй

х/р: 20210 000 900 210 835 001

ФО: 00493 СТИР: 200197217

Банк: ТИФ Миллийбанк Фарғона



Директор

А.Зикрияев

Бош ҳисобчи

Ш.Мамуров

Юрист

Ж.Вахобов

ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ

“Қўргон Сифат” МСҲЈ

Манзил: Фарғона тумани Миндон ҚФЙ
Қўргон кўчаси 105 уй

Х/Р: 20208000705392784001

МФО: 01131 СТИР: 308511290

БАНК: ТИФ Миллийбанк Фарғона филиали



Раҳбар

Ж.Жумаев